

Кун нафаси



◆ Президент Шавкат Мирзиёев 3 июль кун «Тошкент шаҳри Чилонзор туманининг саноат салоҳияти ва инвестиция жозибадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.



◆ «Ижро ҳужжатларини ижро этмаганлик учун солинадиган маъмурий жарима миқдорини белгилаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимча қиритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.



◆ Пойтахтимизда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғиз Республикалари Энергетика вазирларининг навбатдаги уч томонлама учрашуви ўтказилди.



◆ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг биринчи ўринбосари **Содиқ Сафоев** Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) сайловни кузатиш миссияси раҳбари **Урсула Гачек** билан учрашди.



◆ Ўзбекистон ва Малайзия ТИВ раҳбарлари Тошкентда музокаралар ўтказди ва ташқи сиёсат идоралари ўртасида 2023-2026 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини имзолади.



◆ «Янги Ўзбекистонда тараққиёт, инновация ва маърифат» мавзусида Халқаро шериклик ташаббуслари ҳафталиги доирасида «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида халқаро аёллар форуми ташкил этилди.



◆ 5 июль кун Тошкент шаҳрида «Ўзбекистон – соғлом ва билимли жамият» мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди.

◆ Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент фотосуратлар уйида Инсонга эътибор ва сифатли таълим йилига бағишлаб ташкил этилган «Навқирон Ўзбекистон» республика ёш ижодкорларининг замонавий санъат кўргазма-танлови ўтказилди.

Кун ҳикмати

Китоблар – биз қўлда кўтариб юрадиган ноёб сеҳрдир.

Стефан Кинг,
фантастик романлар ёзувчиси



Тошкент вилояти | Ўқув-семинар

Халқаро ҳужжат билан таништирилди

Мамлакатимизда шу йилнинг 6 майида «Халқаро меҳнат ташкилотининг ходимларни иш жойидаги ҳавонинг ифлосланиши, шовқин ва тебранишлар туфайли юзага келадиган касбий хавф-хатардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 148-сонли Конвенцияси ратификация қилинганидан хабарингиз бор, албатта.

Халқаро ҳужжатда қулай меҳнат шaroитларини яратиш, жумладан, зарарли ва хавfli ишлаб чиқариш омилларини, меҳнат жараёнларининг оғирлиги ва тизимлиги ҳамда асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавfliлигини баҳолаш, шунингдек, меҳнат шaroитларини қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлаштириш белгиланган.

Ушбу конвенциянинг амал қилиниши – иш жойида ҳаво ифлосланиши, шовқин ва тебраниш туфайли вужудга келадиган хавф-хатарларнинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги халқаро стандартларни мамлакатимизда қўллашга хизмат қилади.

Қонунчиликдаги бу каби ўзгаришлар билан меҳнат жамоаларини таништириш ва амалиётга татбиқ этиш мақсадида Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши масъуллари томонидан жойларда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Тошкент вилояти Автойўл бош бошқармасида бўлиб ўтди. Ўқув-семинарда тизимдаги барча ташкилот ва корхоналардан вакиллар иштирок этдилар.

Умид **ХУДОЙБЕРГАНОВА**
«ISHONCH»



ЭСДА ҚОЛАДИГАН САЁХАТ

Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши томонидан тизимдаги аъзоларни дам олдириш ва уларни сўлим гўшаларга, диққатга сазовор масканларга саёхатга олиб бориш аънамага айланган.

Бу галли саёхат пурвиқор тоғлар қўйнидаги сўлим Шохимардон дам олиш маскани бўлди. Саёхатга Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти ходимларидан 40 нафари ва тармоқ ходимларидан 30 нафари таклиф этилди.

Уч кун давом этган саёхат дам олувчиларда катта таассурот қолдирди. «Ҳазрати Али» зиёратгоҳи, «Ҳазрати Али» масжиди, «Чаккатомар» булогига бўлган экскурсия саёхатчиларга манзур бўлди. Айниқса, баланд тоғлар орасида жойлашган «Кўли Куббон» дам олиш масканига

бўлган саёхат эсда қоларли бўлди.

– Хушманзара ва бетакрор масканда дам олганимиздан жудаям хурсандимиз, – дейди Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти жарроҳлик кафедраси мудири Бахтиёржон Мирзаев. – Дам олувчиларга яратилган шaroитлар аъло даражада. Бизни жамлаб, мана шундай гўзал гўшага саёхат уюштирган ташкилотчиларга алоҳида миннатдорлик билдираман.

Жамшид **ЭРГАШЕВ**
«ISHONCH»

СУЗИШНИ БИЛМАЙ ЎСАЁТГАН АВЛОД

Сув спортини оммавий ривожлантириш ҳақида ким бош қотиради?

4

Жараён

Навбатдан ташқари МАЖЛИС

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг навбатдан ташқари IV мажлисида ташкилий масала кўрилди. Мажлисида «Максам-Чирчиқ» АЖ касба уюшма қўмитаси раиси, кенгаш аъзоси Бахтиёр Абдуллаев олиб борди.



Таъкидландики, узоқ йиллардан буён Республика кенгаши раиси лавозимида ишлаб келётган Мавжуда Халилова пенсияга чиқиши муносабати билан раислик ваколатини муддатидан олдин тугатиш ва меҳнат шартномасини бекор қилишни сўраб ариза берган. Шу муносабат билан М.Халилованинг ваколати муддатдан олдин тугатилди ва лавозимидан озод этилди. У кенгаш ва ижроия қўмита аъзоларидан чиқарилди ҳамда Федерация Бош кенгаши аъзоларидан чақириб олинди.

Шундан сўнг кенгаш мажлисидаги ташкилий масала юзасидан сўз Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиевга берилди. У М.Халилованинг кўп йиллар давомида касба уюшмалари тизимидаги қатор ютуқлари – мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати кабиларнинг тугатилиши, кимё ва фармацевтика соҳаси ходимларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини намунали ташкил этишдаги муносиб ҳиссасини алоҳида таъкидлаб, Федерациянинг эсдалик совғасини топширди.

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси лавозимида Нигора Алимжанова номзоди таклиф этилди. Н. Алимжанова бир овоздан Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси, кенгаш ва ижроия қўмита аъзоси ҳамда Федерация Бош кенгаши таркибига вакил этиб сайланди.

Зебо **НАМОЗОВА**
«ISHONCH»

Хоразм вилояти

Ташкилий масала кўрилди

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгашининг V мажлиси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Камолжон Бекчанов кенгаш раисининг ўринбосари этиб сайланди.

Бу инсон 2009-2013 йилларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгаши раиси, 2013-2022 йилларда Хоразм вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари, Федерациянинг вилоят кенгаши раиси ўринбосари лавозимларида ишлаганди. 2022 йил 11 январдан эътиборан эса Шовот туманидаги «Янгибурлоқ» маҳалласида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозимида фаолият юритиб келётган.

Мухаббат **ТЎРАБОЕВА**
«ISHONCH»





Тошкент вилояти

Бугун юртимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар кўнгилларга сурур бахш этаётир. Куйида бири бугун оёққа туриб, қувончдан кўз ёшларини тўкаётган, яна бири эса, ажратилган кредит маблағи туфайли ўзини тиклаб, бир қатор яхши натижаларга эришаётган аёллар ҳақида сўз юритамиз.



«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ҳамда Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши тизимдаги ташкилот ва корхоналарда фаолият юритаётган ишчи-ходимларнинг фарзандларини ёз мавсумида соғломлаштириш юзасидан муайян ишларни амалга оширмоқдалар.

Завқли таътил



Жорий йилнинг ёз мавсуми давомида темирйўлчилар ҳамда транспорт қурувчилари ишчи-ходимларининг 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган 5 минг 380 нафар ўғил-қизни

Ёзги соғломлаштириш

«Қибрай», «Бурч мулла», «Темирйўлчи», «Янги авлод» ҳамда «Аловиддин» каби оромгоҳларда тўрт навбатда, «Кўнғирот» санаторий-профилакторийсида эса беш навбатда дам олдириш ва соғломлаштириш режалаштирилган.

Шу йилнинг 5 июнь кунидан бошлаб оромгоҳлар биринчи навбатга болаларни ўз бағрига қабул қилишни бошлади. Бу вақтда «Қибрай» болалар дам олиш оромгоҳига темирйўлчиларнинг 350 нафар фарзандлари ҳамда «Касаба уюшмаси болаларга» акцияси доирасидаги 22-Меҳрибонлик уйининг 35 нафар тарбияланувчиси соғломлаштирилди.

Айни кунларда иккинчи навбатда 1 минг 255 нафар болажон мароқли дам олиб, саломатликларини мустақамламоқда. Шинам турар-жойлар, дам олиш ва овқатланиш хоналари, қизиқарли адабиётлар, газета ва журналларга бой кутубхона, чўмилиш ҳавзаси ҳамда тури спорт майдончалари болажонлар ихтиёрида. Ўз ишига сидқидилдан ёндашадиган педагог-тарбиячи, етакчи, тўғра раҳбарлари уларнинг мазмунли дам олишини таъминлапти. Тиббиёт ходимлари болаларнинг саломатликларини назорат қилиб боришмоқда, ошпазлар эса уч маҳал мазали таомларни тайёрлаб беришмоқда.

Мавсум давом этмоқда. Насиб бўлса, болалар дам олиш билан биргаликда, янги дўстлар орттириб, қалблари бир олам завққа тўлиб, янги ўқув йилини зўр иштиёқ билан бошлашади.

Лола МЕРГАНОВА,
Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши бўлим мудири

Мавсум мароқли ўтмоқда

«Зомин» ҳамда «Сирдарё» болалар оромгоҳи бу йилги мавсумга пухта тайёрланди.

«Зомин» оромгоҳида бу йилги мавсумда 1 минг 500 нафар болажон соғломлаштирилиши кўзда тутилмоқда. Айни пайтда мазкур сўлим гўшада 250 нафар ўғил-қиз мароқли дам олаётир.

«Сирдарё» болалар оромгоҳи эса янгидан бунёд этилмоқда. Қарийб 6 гектар майдонда жойлашган жамуанинг янги лойиҳасида замонавий тўғрак хоналари, Ахборот-ресурс маркази, маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар учун амфитеатр, тиббиёт маскани, сузиш ҳавзаси, спорт майдончалари, бешта ётоқхона, ошхона ва ювенил хоналари ўрин олган. Қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етгач, бу ерда бир мавсумда 300 нафар бола ёзги таътилни мароқли ўтказиши мумкин бўлади.

Ботир УСМОНОВ,
Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментининг Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиғи

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда... Эзгу ишлар бардавом

ОЁҚҚА ТУРИШИМГА КЎМАК БЕРГАНЛАРГА ТАШАККУР!

Нурафшон шаҳри «Чиғирик» маҳалласида яшовчи Венера Умарова автоҳалокатга учрагач, нақд саккиз ой тўшака михланиб қолди. Қизининг айтишича, кечалари онаси оғриқ қолдирувчи муолажасиз ухлай олмаган. Унинг жарроҳлик амалиёти учун 20 миллион сўм маблағ зарур эди. Аммо... Моддий томондан қийналган оила, афсуски, бунча маблағни топа олмади.

Яқинда Венера Умаровага «Аёллар дафтари» жамғармасидан жарроҳлик амалиёти учун маблағ ажратилди. Жарроҳлик муваффақиятли кечди.

– Бунга бир ойдан ошди, – дейди Венера Умарова. – Саккиз ой давомида оғриқлардан азоб чекиб, шипга тикилиб ётган одам бирданги дарддан фориғ бўлиб, бир ой ичида оёққа турса, жуда бошқача бўлар экан. Юрагимда кечаётган ҳисларимни сўз билан ифодалашим қийин. Кўзларимдан оққан қувонч кўз ёшлари анчагача тинмади...

Ҳозирча махсус мослама ёрдамида бўлса ҳам, ҳар ҳолда,

юряпман. Яхши инсонларга катта раҳмат. Миннатдорлигимнинг чеки йўқ...

ТАДБИРКОР ХУСУСИЙ БОҒЧА ОЧМОҚЧИ

Нурафшон шаҳар, «Ёшлик» маҳалласида яшовчи Дилдора Баратовага 2020 йилда «Аёллар дафтари» жамғармасидан 30 миллион сўм кредит ажратилган эди. Шундан сўнг у «Aziya gold dizayn» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, тикувчилик фаолиятини йўлга қўйди. Боз устига, етти нафар хотин-қизни иш билан таъминлади. Ишлари юришгани туфайли Дилдора опа тез орада кредит тўловидан қутулди, ўзи учун енгил автомашина ҳам сотиб олди.

Яқинда у яна «Nurafshon fashion gold» ишлаб чиқариш корпорациясини шериклик асосида ташкил қилишга муваффақ бўлди. Унга давлат томонидан субсидия асосида 90 миллион сўм маблағ ажратилди ва бу маблағ эвазига у 30 нафар ишсиз, ижтимоий ҳимояга мухтож аёлни иш билан таъминлади. Бунда аёлларнинг ҳар бирига 3 миллион сўмдан

ажратилиб, уларга тикув машинаси ва зарур ашёлар олинди. Ҳозир аёллар ўз уйларида буюртмалар асосидаги тикув ишлари билан машғул.

– «Аёллар дафтари» жамғармаси орқали ажратилган 30 миллион сўмлик кредит ўзимни тиклаб олишимда катта ёрдам бўлди, – дейди Дилдора Баратова. – Ҳозир уйларида тикувчилик қилаётган аёлларимиз анча маҳоратли. Ўтган йили 5 мингтага яқин мактаб формаларини тикдик. Формаларни баъзи камхарж, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига бепул ҳам тикиб бердик. Бу йил яна буюртмалар қабул қилиш ниятидамиз.

Дилдора Баратова айни пайтда тикувчилик фаолиятини янада кенгайтиришни режа қилган. Энг қувонарлиси, ўз хонадонида давлат шерикчилиги асосида болалар боғчасини ташкил этиши учун 1 миллиард сўмлик кредит олиш арафасида турибди. Агар болалар боғчаси очилса, яна бир нечта ишсиз хотин-қиз доимий иш билан таъминланишига эришилади.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»



Бор бўл, оқибат! Эътибордан диллар шодланди

«Избоскан тумани йўллардан фойдаланиш» унитар корхонасининг бир гуруҳ ходимлари собиқ ҳамкасблари, марҳум Жамолиддин Шодмоновнинг хонадонида бўлиши. Хайрли амаллар эсга олиниб, оила аъзоларига таскин-тасалли берилди. Моддий ёрдам кўрсатилди. Кўнгил кўнгилдан сув ичади, деганларича бор экан, хонадон соҳибларининг диллари ёришиб, ўзларини қўйгани жой тополмай қолишди.

Бу каби савобли ишларда «Шаҳрихон тумани йўллардан фойдаланиш» унитар корхонаси жамоаси ҳам жонбозлик кўрсатди: 107 нафар ишчи-ходимга 5 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Шунингдек, «Андижон йўллардан мунтазам фойдаланиш» унитар корхонаси ҳамда Олтинқул, Бўстон туманларида меҳнат қилаётган йўлсозларга озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилди.

Назokat ҚЎЗИБОЕВА,
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши раиси

Самарқанд вилояти | **Мусобақа**

«Тез ёрдам»чилар спортда ҳам тезкор

Самарқандлик тиббиёт ходимлари Республика шошилч тиббий ёрдам илмий маркази ҳамда марказ касаба уюшма қўмитасининг кубоги учун беллашди.

90 нафар тез тиббий ёрдам ходимини жамлаган 10 та жамоа орасида Самарқанд шаҳридаги 2-сонли «Тез тиббий ёрдам» бекати волейболчилари мутлақ ғолибликни қўлга киритди. 3-сонли «Тез тиббий ёрдам» бекати ва Жомбой тумани «Тез тиббий ёрдам» бекати жамоалари кейинги ўринларни банд этишди.

Мини-футбол мусобақалари эса 14 та жамоа ўртасида кечди. Баҳсларда Пахтачи тумани «Тез тиббий ёрдам» бекати жамоаси барча рақибларини доғда қолдирди. Самарқанд шаҳридаги 3-сонли, Жомбой тумани «Тез тиббий ёрдам» бекатлари жамоалари иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритишди.

Ғолибларга иш берувчи ва касаба уюшмаларининг совринлари топширилди.

Бахтиёр ТУРОВОБОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия, спорт ва соғломлаштириш ишлари бошқармасининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси



Қашқадарё вилояти

Фаолиятда янги саҳифалар

Ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови касаба уюшмалари иш тизимида янги саҳифалар очаетир. Бунга Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Чироқчи тумани кенгаши мисолида яна бир бор амин бўлди.

Ҳакамлар ҳайъати тармоқдаги 149 та касаба уюшма бошланғич ташкилот фаолияти билан атрофлича танишиб, уларнинг энг яхшиларини эътироф этди.

Туман миқёсида ходимлар сони 100 нафардан ортиқ ташкилотлар ўртасида 1-умумтаълим мактаби ғолиб деб топилди. 19-сонли махсус мактаб-интернати иккинчи, 19-мактаб бошланғич касаба уюшма ташкилоти учинчи ўринга муносиб кўрилди.

Аъзолари сони 100 нафаргача бўлган муассасалар ўртасида 7-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти ғолиб, 34-ўрта мактаб иккинчи, 2-ихтисослашган мактаб интернати учинчи ўрин соҳибига айландилар.

– Илғор иш тажрибаларини кенг ёйишда мазкур танловнинг аҳамияти катта, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюш-

маси Чироқчи тумани кенгаши раиси Абдураим Ҳайдаволов. – Таълим муассасаларида жамоа шартномаси бандларининг бажарилишини таъминлаш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояси, муурожаатлар билан ишлаш, ҳужжатларнинг тўғри юритилишига эришиш, етакчиларнинг ташаббускорлиги ҳамда ижодкорлигидан келиб чиққан ҳолда, ғолибларни саралаб олди. Танлов якунида ҳар сафар янги-янги ғолибларга дуч келяпмиз. Бу эса бошланғич ташкилот етакчиларининг мудоизланишида эканидан, қўмита ишини янги босқичга кўтаришда фаоллиги ошаётганидан далолат.

Кўрик-танлов ғолиб ва совриндорлари диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Акmal АБДИЕВ
«ISHONCH»

Германиядаги ўзбек кардиологи:

Сўхбат

Олмонлар қонунга бўйсуниб яшайдиган халқ

Бунёдбек Жалолов 33 ёшда. Асли андижонлик. Касби – шифокор. Айна пайтда Германиядаги нуфузли шифохоналардан бирда кардиолог бўлиб ишляпти. Биз тинимсиз изланишлари ва ҳалол меҳнатлари орқали кўпчилик хурматини қозongan бу йигит билан ўқиш ва ишлаш учун нега айнан Олмонияни танлагани, бугунги фаолияти ва келгуси режалари ҳақида сўхбатлашдик.

– Германияга бориш орзуси сизда қачон ва қандай пайдо бўлди?

– Андижон давлат тиббиёт институти талабасига айланганимда ундаги хорижий тиллар кафедрасида француз, немис ва инглиз тиллари ўқитиларди. Мен мактабда инглизчани ўрганганим. Бундан ташқари, Германияда тиббиёт яшии ривожланганини аввалдан билардим. Устозларимиз эса дарслар жараёнида турли стипендия дастурлари ҳақида ҳам маълумотлар беришди. Уларнинг аксарияти Германия таълим тизимига тааллуқли эди. Шу боис немис тилини алоҳида ғайрат-шижоат билан ўргана бошладим.

– Тил ўрганиш ва грант олиш жараёнидаги машаққатлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз. Менимча, бу бошқа ёшларга мотивация бўлади.

– Бошқа тиллар сингари немис тилида ҳам даражалар бор. Улар 6 та. Стипендиялар ютиб олиш, олий ўқув юрларига ўқишга кириш учун эса камида 4-5 та даража (B2 ва C1) керак.

Германия грантини қўлга киритиб, ўша ерда ишлаш имконияти бошқа ривожланган мамлакатлардагига нисбатан осонроқ. Масалан, ўзга давлатларда шифокор бўлиб ишлаш учун анча юқори – C1 даража талаб этилади, немис диёрида эса бунинг учун B2 даража kiffoя қилади. Бу кадрларга талаб катталиги билан боғлиқ бўлса керак. Қолаверса, Германиядаги давлат институтларида олий маълумот олиш бепул.

Талабалик давримда немис академик алмашинув хизмати томонидан бериладиган стипендияни ютиб олганман. Кейинроқ Theodor Heuss стипендияси орқали лойиҳада қатнашганман. Очиғини айтсам, немис тилида инглиз тилига нисбатан рақобат камлиги учун стипендия олишда қийналмаганман.

– Германия қатъий қонун-қоидаларга эга давлат. Аҳолиси қонунга бўйсунадиган, тартиб-интизомни севадиган халқ. Аввал бошда бундай шароитда яшашга кўникишингиз қийин кечгандир?

– Таърифингиз тўғри, бу юртда тартиб-қоида, интизом юқори даражада. Ҳамма қонунларга онгли равишда бўйсунди. Қоидабузарларга нисбатан қўлланиладиган жарималар эса катта. Агар вақтида аўланмаса, ҳар бир оғохлантириш хатига асосан яна кўшимча ҳақ олинади.

Менинг бу тартиб-тамоийларга кўникишим қийин бўлмади. Мухими, бу ерда ҳар бир кўча ҳар доим тоза-озода бўлади, жорий қоидаларга катта-кичик бирдек

риоя қилади. Таниш-билишчилик йўқ. Ҳар қадарда чиқиндилар учун махсус идешлар учраса, қандай қилиб қўлингиздаги нарса-ни йўл четига улоқтирасиз? Ўзи учун яратилган шароитларни кўриб, маданиятсизлик қилгани уялида одам.

– Немисларнинг жамоат транспортда юриш маданияти, китобсеварлиги мени доимо ўзига ром этган. Бу халқнинг ҳавас қилса ва ўрнат олса арзигулик яна қандай фазилатлари бор?

– Жамоат транспортда катталарга жой бериш деган талаб деярли йўқ. Ҳавас қиладиган жиҳати – йўловчилар ўзлари билиб-билиб чипта олишади. Балки эшитган чиқарсиз, илгарилари оддий автобусда кетаётиб, чипта олмаган йўловчини бекатда тушириб, халқнинг кўз ўнгида отиб ташлашгача боришган экан. Натижада ҳозирги авлод назоратчи бўлмаган тақдирда ҳам чипта олишни канда қилмайди. Чунки бу одат онг остига сингдирилган.

Хусусий автомобилида ҳаракатланган немислар арзиманган тирбандлик учун сигнал чалишмайди. Акс ҳолда, бу ҳолат баъзан ҳақоратлашга тенглаштирилади. Ҳар қандай тиқилинча ҳам тиббий ёрдам, ўт Учиршиш ва бошқа тезкор хизмат кўрсатиш машиналарига йўл берилди.

Германияда ҳам ҳар бир университет ва шаҳарнинг биздагидек йирик кубухо-налари бор. Фарқи шуки, улар ҳар доим одам билан гавжум бўлади. Мен Бреме-нда яшаган пайтим кутубхонага қараб, қайси кунга кира олишнинг ҳал бўлади. Масалан, баҳо-ларингиз 3-4 бўлса, тиббиёт олий ўқув юртига ўқишга кириш имкониятингиз ўта паст ёки бутунлай йўқ ҳисобланади. Боя айтганимдек, давлат олий ўқув юрларида бакалаврият босқичида ўқиш бепул. Бизда эса, тиббий соҳа бўйича ихтисосликка эга бўлиш учун магистратура ёки ординатурада ўқишсиз. Талабаларнинг катта қисми контракт пули тўлайди.

– Бу мамлакатдаги таълим тизими ҳақида нималар дея оласиз?

– Унинг ўзига хосликлари бор. Мактаб, лицейни тугатиб, ўрта маълумотли бўлганингиз ҳақидаги шаҳодатномани олсангиз, ундаги баҳо-ларга қараб, қайси ўқишга кира олишингиз ҳал бўлади. Масалан, баҳо-ларингиз 3-4 бўлса, тиббиёт олий ўқув юртига ўқишга кириш имкониятингиз ўта паст ёки бутунлай йўқ ҳисобланади. Боя айтганимдек, давлат олий ўқув юрларида бакалаврият босқичида ўқиш бепул. Бизда эса, тиббий соҳа бўйича ихтисосликка эга бўлиш учун магистратура ёки ординатурада ўқишсиз. Талабаларнинг катта қисми контракт пули тўлайди. Германияда мутахассислик олиш учун ўқиш ўртача 5 йил давом этади. Контракт пули тўламайсиз, аксинча, ўқиш жараёнида битта ўртача рўзгорни тебратишга етадиган миқдорда ойлик оласиз.

– Германиядаги ҳамюртларимиз нималардан қийналишади?

– Ҳар қандай мусофир кишида Ватани соғиниш ҳисси юқори бўлади. Биз Германияда эллик йил яшасак ҳам, барибир, меҳмонмиз. Бу ерда фарзандларимизни миллий руҳда тарбиялаш, менталитетимизни сақлаб қолиш мушкул. Шу мамлакатда истиқомат қилаётган кўп ўзбек оила аъзолари билан гаплашганман. Уларнинг уқтиришича, агар сиз бу ерда ўзбекона тарбияга жиддий ётқибор қа-

ратмасангиз, фарзандингизни «йўқотиб» қўйишингиз эҳтимолдан холи эмас.

Яна бир гап. Германияда ота-она кексайса, уларни «Қариялар уйи»га жойлаштириш оддий ҳол саналади. Ёши улғларнинг айримлари ёш боладек инжиқ бўлиб қолади, шундай пайтларда фарзандлари уни ақли заифга чиқариб, фикрини инобатга олмай қўйиши мумкин.

– Ватандошларимиз асосан қайси соҳаларда меҳнат қилишади?

– Аввало, шуниси аниқки, Германияга немис тилини пухта ўрганмасдан келиб бўлмайди. Бу ердаги ўзбекларнинг аксарияти эса олий маълумотли ва ўз соҳалари бўйича фаолият юритишади. Масалан, биргина тиббиёт йўналишида 200 нафарга яқин миллатдошимиз меҳнат қилади. Мен 7 нафар ўзбек врач билан бирга Бавариядаги битта шифохонада ишлайман. Навбатчилик қилган кунимиз шифохонанинг тез ёрдам кўрсатиш бўлими қабулхонасида фақат ўзбек шифокорлари қолишади. Гоҳида она тилимизда гаплашганимиз боис Германияда эканлигимиз ёдимиздан кўтарилади. Биз ўзаро ниҳоятда ақилмиз, бир-биримизга ёрдам қўлини чўзишга доимо тайёرمىз.

– Германияга бориб таълим олиш ва ишлашнинг қандай йўллари бор?

– Бу жуда кенг қамровли савол ва катта мавзу. Шунинг учун умумлаштириб, қисқа жавоб бераман. Биринчидан, немис тилини ҳужжат топшириладиган олий ўқув даргоҳи талаблари даражасида ўзлаштириш керак. Аиникса, ҳуқуқшунослик, тиббиёт, ўқитувчилик каби соҳалар бу тилни мукамал билишни талаб қилади. Иккинчидан, Германияда ўқиш учун Ўзбекистондаги мактаб, лицей, институт ёки университетда олган баҳо-ларингиз «аъло» бўлиши керак. Сабаби, бу ерда тест тизими мавжуд эмас, фақат шаҳодатномадаги баҳо-ларга қаралади. Яқши тарафи ўқиш учун контракт тўлови йўқ, лекин яшаш сарф-харажатлари қиммат. Бинобарин, ҳар бир талаба ўзини ўзи моддий жиҳатдан таъминлай олиши-ни исботлаши шарт. Бунинг учун банк-да ҳар ой учун 934, бир йил учун 11208 евро миқдорда пули бўлиши лозим (Sperrkonto дейилади).

– Бу мамлакатда инглиз тилини яқши билган киши немис тилини билмаса ҳам ишлаши мумкинми?

– Германияда немис тилини билмасангиз, бошқа тилларни билганингиз ўз аҳамиятини йўқотади. Тўб аҳоли немис тилида мулоқотда бўлишингиз зарур. Инглизча гапирсангиз, сизни тушунса ҳам аксарияти ўз она тилида жавоб қайтаради. Баъзи касбларда, аниқроғи, ахборот технологияларига доир касбларда инглизчадан фойдаланиб ишлаш мумкин, бироқ миқдорлар немис бўлса, бу тилни албатта билиш этилади. Шунингдек, немис тилини билмаган ҳолда шифокор лавозимида ишлашнинг иложи йўқ. Ҳатто IELTS-дан 9 балл олган бўлсангиз ҳам.

– Чет элдаги фаолиятингиз қандай кечаяпти? Ва яна, сир бўлмаса, айтинг-чи, у ердаги меҳнат муҳожирлари бир ойда ўртача қанча даромад топишлари мумкин?

– Бу ерга келиб, уч ой немис тили курсида ўқидим ва уч ой амалиётни ўтадим. Еттинчи ойдан бошлаб, ҳозирга қадар кардиолог шифокорман.

Германияда ойликлар яширин маълумотлар сирасига кирмайди. Интернетда ҳар бир соҳа вакилининг ойлиги меҳнат стажига қараб, очиқ ёзиб қўйилади. Шу боис ҳеч ким бировдан унинг маоши

қанчалигини сўрамайди, ҳатто турмуш ўртоғи ҳам билмайди. Энди саволингизга келсак, энг кам ойлик оладиган соҳа вакилларига соатига 12 евро тўланади.

– Германияда шифокор бўлиб ишлаш учун нималар қилиш ва қандай босқичлардан ўтиш керак?

– Аввало, қўлингизда энг камида бакалавр дипломи бўлиши лозим. Иккинчидан, немис тилини B2 даражада билади деган тил сертификати зарур. Уни Тошкентдаги Гёте институтидан ёки вилоят филиалларидан олиш мумкин.

Кейинги босқичда Германияга келиб, FSP деган, шифохона шароитида немисча гаплаша олишингизни кўрсатиб берадиган имтиҳон топшириб, икки йил шифокорлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритишингиз даркор. Шу вақт ораллигида ҳам ишлаб, ҳам малаканингизни ошириб, Kenntnisprüfung деган имтиҳонга тайёрланасиз. Бунда фақат тиббий билимингиз текширилади. Имтиҳонни университет клиникаси профессорлари оладилар. Синовдан ўтсангиз, Германияда аррprobatioнга эга бўласиз. Сўнгра мутахассислик олиш учун Weiterbildung бошланади. У 60 ой давом этади. Кейин Facharztни имтиҳони бўлади. Уни муваффақиятли топширсангиз, сизга немис мутахассислиги берилди.

Мен умумий йўлни қисқартириб айтдим. У бироз мушкул туюлиши мумкин. Германияга келмоқчи бўлган дўстларимизга жараёни қийин кўрсатиб, демотивация қилмоқчи эмасман. Бу жараёнлар йиллар давомида босқичма-босқич бажарилади.

– Юртимизда рўй бераётган воқеалар ва янгиликларни кузатиб бораётган бўлсангиз, сезгандирсиз, бизда баъзан «Тез ёрдам» ходимларини калтаклашдан тиймайдишлар ҳам топилади. Ҳўш, сиз ҳозир фаолият юритаётган мамлакатда шифокорларга муносабат қандай?

– Агар бу ерда сиз тилга олган ноҳус ҳолат кузатилса, шифокорларни химоя қиладиган ташкилотлар қараб турмайди. Инсонлари агрессив эмас, қонунга бўйсуниб яшайди.

Мен Ўзбекистон «Тез ёрдам» тизимида ҳам ишлаганман. Кунига 600 га яқин чақирув бўлса, 200-250 таси шовилинч ёрдам кўрсатиш шарт бўлмаган вазиятларга тўғри келарди. Чақирувга кетаётган шифокор беморга шошилини ёрдам кўрсатиш ҳақида ўйлаб боради. Айрим кишиларнинг эса ажабтовур қилиқлари борки, ҳатто бошқача ухлатолмас ёки боши оғриси ҳам, туғуруқхонага режа билан бормаса ҳам «Тез ёрдам»га мурожаат қилишади. Аслида уни ўта оғир, ўрта оғир ва оғир ҳолатларда чақириб жоиз. «Тез ёрдам» машинасининг битта чақирув бўйича бориб келиши учун давлатнинг анчагина маблағи сарфланади. Демак, шунчаки бош оғиргани учун ҳам «Тез ёрдам»ни чақириб исрофгарчиликдан ўзга нарса эмас.

Германиядаги мен ишлайдиган шифохонага «Тез ёрдам» машинасида олиб келинган беморларни қабулхонада қабул қиламиз. Олдин ундан қон таҳлиллари олиб, ЭКГ таҳлилини ўтказамиз. Бемор гоҳида 5-6 соатлаб шу хонада қолади. Ҳар бир жараён босқичима-босқич амалга оширилгунча, сабр билан кутади. Ортиқча гап-сўз, шифокорни ҳақоратлаш ҳолатлари умуман кузатилмайди.

– Самимий ва мароқли сўхбатингиз учун ташаккур.

«ISHONCH» муҳбири
Феруза РАХИМОВА
сўхбатлашди

Оламда бугун...

Бўрон сабаб...

Нидерландиядаги кучли шамол ва бўронли ҳаво темирйўл транспорти ишини тўхтатди. 5 июль кун Амстердамдаги Схипхол халқаро аэропорти сайтида хабар қилингандек, жорий метеорологик прогнозлар туфайли ҳаво бандаргоҳида ҳаракат маҳаллий вақт билан 15:00 (Тошкент вақти билан 18:00)гача чекланган.



ANP агентлиги маълумотларига кўра, 300 га яқин рейслар бекор қилинган. Айна пайтда NS темирйўл компанияси мамлакат шимолида поездлар ҳаракатини бутунлай тўхтатган.

Нидерландия метеорология хизмати мамлакатнинг аксарият қисмида ёмон об-ҳаво туфайли хавфнинг энг юқори даражаси ҳақида оғохлантирмоқда. Фуқаролар уйлари тарқатмақда қақирилган.

Столтенберг лавозимида қолади



Йенс Столтенбергнинг НАТО Бош қотиби лавозимидаги фаолияти муддати яна бир йилга узайтирилди. Бу ҳақда у ўзининг ижтимоий тар-

моқдаги саҳифасида ёзган.

Шу тариқа Шимолий Атлантика альянсини бошқариб келаётган амалдаги раҳбарнинг ваколати тўртинчи бор узайтирилди. Столтенберг 2022 йил 1 октябрда курсисини топшириши керак эди, бироқ ўша йил март ойида ўтган Альянс саммитида иттифоқчи давлатлар раҳбарлари Украина атрофидаги воқеалар асносида унинг мандатини 2023 йил 30 сентябргача узайтириш юзасидан қарор қабул қилишди.

НАТО Бош қотиби бўлиб энг узоқ муддат хизмат қилган шахс – голландиялик Йозеф Лунс 1971 йилдан бошлаб 13 йил давомидо айна вазифада ишлаган. Тўққиз йиллик муддат билан Столтенберг ҳозирча бу борада иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

10 йиллик танаффусдан сўнг

Туркия ва Миср дипломатик муносабатини тўлиқ тиклаб, алоқани элчилар даражасига олиб чиқди. Бу ҳақда «Анадолу» агентлиги Туркия ТИВ матбуот хизмати таяниб маълум қилди.



Миср ҳам ушбу маълумотни тасдиқлагани тўғрисидаги баёнот мамлакат ТИВ расмий саҳифасида эълон қилинди.

Анқара ва Қоҳира муносабати 2013 йил Миср Президенти Муҳаммад Мурсий ҳокимиятдан ағдарилгандан кейин ёмонлашган. Шундан кейин ҳар икки давлат ўзаро элчиларни чақириб олган.

2022 йил ноябрь ойида Қатарда бўлиб ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионати очилиши маросимида Президентлар Режеп Таййип Эрдоған ва Абдулфаттоҳ ас-Сиси қисқа муддат сўхбатлашиб олган эди.

Тимсоҳ ҳамласи



Американинг Жанубий Каролина штатида бир аёл тимсоҳ ҳамласи оқибатида ҳалок бўлди, деб хабар тарқатди маҳаллий полиция идораси.

«Аллигатор ушланиб, олиб кетилгач, худуддан аёл кишининг жасади топилган», дейилади «CBS» телеканали Бифорт округи шерифи берган маълумотга таяниб тарқатган хабарда.

Маҳаллий ҳокимиятнинг изоҳ беришича, жувон эр-талаб ити билан сайрга чиққанда тимсоҳ ҳужумига учраган. Марҳума 69 ёшда бўлиб, воқеа жойига яқин худудда истиқомат қилган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

GERMANYA GRANTINI QOLGA KIRITIB, USHA ERDA ISHLASH IMKONIYATI BOShQA RIVOJLANGAN MAMLAKATLARDAGIGA NISBATAN OSONROQ. MASALAN, UZGA DAVLATLARDA SHIFOKOR BU'LIB ISHLASH UCHUN ANCHA YUQORI - S1 DARAJA TALAAB ETILADI, NEMIS DIYERIDA ESA BUNING UCHUN B2 DARAJA KIFFOY QILADI. BU KADRLARGA TALAAB KATTALIGI BILAN BOGLIQ BULSA KERAK. QOLAVERSA, GERMANIYADAGI DAVLAT INSTITUTLARIDA OLIY MA'LUMOT OLI SH BEPUL.

